

2/2022,  
mart-aprel  
(№ 00058)



## МОЛИЯ ТИЗИМИ ТАРКИБИДА ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДЛАРИ МОЛИЯСИНИ ЎРГАНИШ ЗАРУРИЯТИ

**Султанов Махмуд Ахмедович**

*ТДИУ, «Молия ва бухгалтерия ҳисоби» кафедраси доценти, PhD.  
Тошкент, Ўзбекистон. [makhmud.sultanov@bk.ru](mailto:makhmud.sultanov@bk.ru)*

**Article DOI: 10.55439/EIT/vol10\_iss2/a10**

### **Аннотация**

Мақолада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мамлакатимиз молия тизими таркибида инвестицион воситачилар сифатида инвестиция фонди фаолиятини ўрганиш давр талаби эканлигини асослашга, инвестиция фондлари молиясининг моҳиятини очиқ беришга ҳаракат қилинган. Шунингдек, мақолада инвестиция фондларининг молия тизимининг янги инвестиция институти сифатидаги ролига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** молия тизими, молия тизими янги сегментлари, легал ва нолегал молия, “ислом молияси”, корпоратив молия, молиявий инфратузилмани ташкил этувчи институтлар молияси, молия бозори, фонд бозори, инвестиция фондлари молияси.

### **Аннотация**

В статье ставится задача обосновать, что исследование деятельности инвестиционных фондов как инвестиционных посредников в финансовой системе страны в стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы, раскрыть сущность финансов инвестиционных фондов. В статье также акцентируется внимание на роль инвестиционных фондов как нового инвестиционного института финансовой системы.

**Ключевые слова:** финансовая система, новые сегменты финансовой системы, легальные и нелегальные финансы, «исламские финансы», корпоративные финансы, финансы учреждений, составляющих финансовую инфраструктуру, финансовый рынок, фондовый рынок, финансирование инвестиционных фондов.

### **Abstract**

The article aims to substantiate that the study of the activities of investment funds as investment intermediaries in the financial system of the country in the development strategy of the new Uzbekistan for 2022-2026, to reveal the essence of the finance of investment funds. The article also focuses on the role of investment funds as a new investment institution in the financial system.

**Keywords:** financial system, new segments of the financial system, legal and illegal finance, "Islamic finance", corporate finance, finance of institutions that make up the financial infrastructure, financial market, stock market, financing of investment funds.

### **Кириш**

Юртимизнинг истиқболи молия бозори ва унинг самарали фаолиятини юритувчи институционал вакиллари ривожлантириш билан, келгусида мамлакатимиз хўжалик субъектларини халқаро фонд биржаларида фаол иштирок этишларини таъминлаш билан узвий боғлиқ. Кейинги йилларда дунё бўйича фонд

бозори капитализациясининг «2010-2020 йиллар оралиғида 54954 млрд. доллардан 110392 млрд. долларгача ўсган»[2]ини инобатга олсак, миллий иқтисодиётда молиявий сектор, жумладан нобанк молиявий воситачиларининг кенг тараққиёти, мамлакат молиявий салоҳиятининг барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига таъсирини рағбатлантириш мақсадларида такомиллаштиришнинг муҳим, ҳамда долзарб муаммо эканлигини исботламоқда.

Мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларда асосий урғу иқтисодиёт молия секторини ривожлантиришга қаратилиб, иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш учун давлат улушини камайтириш асосан фонд бозори орқали амалга оширилишини инобатга олсак, мамлакатимизда ушбу бозорни фаоллашуви долзарб масалалар қаторидан ўрин олган. Шу мақсадда, «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» фармонида «мамлакатимизда капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириш ҳамда йирик корхоналарни ва улардаги улушларни (акцияларни), шу жумладан фонд биржаси орқали хусусийлаштириш ва Давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини якунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улушини 60 фоизгача етказиш» ва фонд бозорига таъллуқли бошқа тадбирларни амалга ошириш орқали «иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш»[1] муҳим аҳамият касб этади. Бу ўз навбатида шундан далолат берадики, республикамиз инвестиция сиёсатининг бош мақсади сифатида, фонд бозори савдоларини фаоллаштириш ва молия секторига аҳоли жамғармаларини инвестицион воситачи саналган инвестиция фондларини тузиш ва ривожлантириш орқали жалб этиш масаласи илгари сурилади. Дунё бўйича 2004-2020 йиллар давомида, инвестиция фондларининг соф активлари қиймати 16,2 трлн. доллардан 63,1 трлн. долларгача ёки деярли 3,9 баробарга ошган[3]. АҚШ эса ушбу фондларнинг соф активлари қиймати мамлакат ялпи ички маҳсулотидан ҳам кўпдир. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, республикамиз молия тизими таркибида инвестицион воситачилар сифатида инвестиция фонди фаолиятини ўрганиш давр талаби эканлигидан далолат беради.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Молия тизими таркибида инвестиция фондлари (воситачи) молиявий фаолиятини ташкил этишнинг умумназарий масалалари чет эллик олимлар, жумладан Ronald W. Melicher, Edgar A. Norton[4], молия (молиявий муҳит) доираси молиявий фаолиятнинг учта, яъни молия институти ва бозорлар, инвестиция ҳамда молия менежментини ўз ичига қамраб олишини таъкидлашса, Fabozzi, Frank J. Pamela Peterson Drake[5] фикрича, молия – бу ноаниқлик шароитида пулни тақсимлаш билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилишда қўлланадиган иқтисодий тамоиллар ҳисобланиб, инвесторлар маблағларини ўз мақсадларига эришиши учун активлари ўртасида тақсимлаши, ҳукумат ва корхоналар эса маблағларни ўз мажбуриятларини чиқариш орқали жалб қилиб, кейинчали операцияларини амалга оширишда қўллаши борасидаги фикрни илгари суришади.

Бир қатор рус иқтисодчи-олимлари тадқиқотларида ҳам молия тизими таркибида молиявий воситачилари молиясини ўрганишга урғу берганлар, жумладан С.А.Белозеров, Г.М.Бродский, С.Г.Горбушиналарнинг ишларида[6] молия бозори

қатнашчилари сифатида миноритор инвесторлар фаолияти, В.В.Бочаров[7] ўз дарслигида молия бозори иштирокчилари қаторида инвестиция фондлари фаолияти ўринли тадқиқ этилган.

Махаллий иқтисодчи-олимларимиз талқинида молиявий сектор, нобанк молиявий воситачилар, инвестиция фондлари молияси Т.С.Маликов ва О.О. Олимжонов[8,9] лар томонидан молиявий воситачилар молиясининг молия тизими бўғини сифатида алоҳида ўрганилган. Шу билан бирга молия тизиминг институционал таркиби ўрганилиб, унда иқтисодиёт молиявий сектори ажратилган ва унинг таркибида нобанк молиявий воситачилар тизими тадқиқ этилди.

Бугунги кунга келиб замонавий молиянинг янги намояндалари томонидан молия тизимининг янги йўналиши ҳисобланадиган молиявий воситачиларнинг муносабатлари хусусида тадқиқотлар олиб боришмоқда. Жумладан, Ш.Ш.Шоҳаъзамий[10] Ўзбекистонда молия бозори инструментларидан фойдаланишни такомиллаштириш масалалари хусусида, С.Аброров[11] Ўзбекистон молия тизими таркибида исломий қимматли қоғоз ҳисобланадиган суқуқни қўллаш назарий ва амалий жиҳатлари Х.Х.Худайқулов[12], акциядорлик жамиятларининг капитал қийматини баҳолашнинг замонавий ёндашувларидан фойдаланишнинг методологик асосларини такомиллаштириш, Ф.Т. Мухамедов[2] турли жамғармаларнинг инвестицияларга айланиши, портфель инвестициялар ҳамда фонд бозори капитализацияси, Х.Н.Джамалов ва А.Б.Абдуллаев[13]лар инвестиция фондларида молиявий менежмент асосларини такомиллаштиришга комплекс ҳолда ёндошувнинг зарурлиги ҳақида ҳамда С.Э.Элмирзаев[14] маблағларни молиявий секторга молия бозори инструментлари орқали жалб қилиш масалалари кенг тадқиқ қилинмоқда.

Шунга қарамай, молиявий воситачи сифатида инвестиция фондлари молиявий муносабатларини ташкил этиш ва бошқаришга оид кўпчилик қарашлар ҳозирги кунда жиддий аниқлаштиришни, тўлдиришни ва айрим ҳолатларда эса янги инновацион-инвестицион бизнес-муҳити нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишни талаб этади. Инвестицион фаолият соҳасидаги ислохотлар мазкур вазифаларининг ижобий ҳал этилиши инвестиция фондлари молиявий муносабатларини ташкил этиш ва бошқаришнинг бозор талабларига жавоб берувчи ҳолатидан ҳам келиб чиқади. Шунга кўра, инвестиция фондлари тараққиётида улар молиявий муносабатларини ташкил этиш хусусиятлари, вазифалари, таркиби ва ривожланиш асосларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

#### **Тадқиқот методологияси**

Инвестиция фондлари молиясини ўрганиш учун замонавий молия назарияси, молиявий менежмент, нобанк молиявий воситачилар молияси тараққиётига хос қатор умумий методологик муаммоларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай муоммалар қаторига: молия тизими соҳа ва бўғинлари институционал таркибини, улар учун умумий фаолият талабларини аниқлашдаги эскича ёндошув ва қарашларнинг сақланиб қолаётганлиги; молиявий муносабатлар мазмунини тушунишга ёндошувнинг турличалиги ва айрим ҳолларда уларнинг тўлиқ эмаслиги ёки саёзлиги боис молиянинг соҳа ва бўғинлари, сектор ва сегментлари молиясининг моҳиятини, хусусиятларини аниқ ифодалашнинг етишмаслиги; иқтисодиёт тараққиётининг шиддатли тус олиши ва унинг ҳозирги босқичига мос тарзда молия

тизими янги сегментлари фаолиятининг инобатга олинмаётганлиги ҳамда молия бозорининг моҳиятини тушунишдаги муаммоларнинг мавжудлигидир. Мазкур таъкидлаб ўтилган умумий методологик муаммолар, аввало, молия фанидан тайёрланган айрим дарслик ва ўқув қўлланмаларида яққол кўзга ташланади.

### **Таҳлил ва натижалар**

Иқтисодиёт тараққий этиб бориши билан молия тизими, унинг соҳа ва бўғинлари, молиявий муносабатлар мазмуни ҳам такомиллашиб боради. Иқтисодиёт тараққиётининг шиддатли тус олиши ва унинг ҳозирги босқичига мос тарзда молия тизими янги сегментларининг пайдо бўлганлиги, уларнинг ривожланиш қонуниятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу зарурият инвестиция фондлари молиясини ўрганишга ўзининг уч жиҳати билан бевосита таъсир кўрсатди:

- молия фанидан дарслик ва ўқув қўлланмаларда молия тизими янги сегментлари – легал ва нолегал молия, “ислом молияси”, корпоратив молия, молиявий инфратузилмани ташкил этувчи институтлар молиясининг ҳам берилиши молиявий назария, корпоратив молия, нобанк молиявий воситачилари молиясининг уйғун тарзда ривожланишини таъминлайди;

- молия бозори, қимматли қоғозлар бозори ва унда фаолият юритувчи интитуционал инвесторлар фаолияти, ривожланиш қонуниятларини ўрганиш инвестиция фондлари молиясининг тадқиқисиз тўлиқ бўлмайди;

- инвестиция фондлари нобанк молиявий воситачилар таркибида тадқиқ этилиши уларнинг иқтисодиёт тараққиётида ўзига хос ўрни мавжудлигини, улар маблағларни жойлаштиришнинг муқобил танлови сифатида инвестицион афзалликларга эга эканлигини, жаҳон амалиётига мос тарзда уларнинг ривожланиш истиқболлари порлоқ эканлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда инвестиция фондлари фаолиятини ўрганиш, асосан, молия бозори ва унинг ривожланиш қонуниятлари тадқиқи билан чегараланиб қолди. Шу боисдан, инвестиция фондлари ижтимоий-иқтисодий мазмунини тизимли тадқиқ этиш услубиятига асосан, тизимнинг биринчи даражадаги муносабатлари айнан молия бозори ва уни тартибга солиш тадбирларининг инвестиция фондлари фаолиятига таъсирини ўрганишга бағишланган эди.

Бизнинг фикримизча, “инвестиция фондлари молияси” тушунчасини тор ва кенг маънода ифодалаш мумкин. Тор маънода инвестиция фондлари молияси алоҳида олинган инвестиция фонди устав фаолиятини амалга ошириш учун улар ихтиёрида юзага келувчи пул фондлари (низом жамғармаси, мулк ва бошқа активлар) ва уларнинг қонунда руҳсат этилган тарзда ишлатилиши жараёнида намоён бўлувчи муносабатлар мажмуини ифодалайди.


Кенг маънода “инвестиция фондлари молияси” тушунчаси ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида фаолият юритаётган, бир-бири билан ўзвий боғлиқ бўлган коллектив инвестициялаш институтлари ва молия бозорининг институционал инвесторлари молиявий фаолиятини ифодалайди.

Шу асосда инвестиция фондлари молиясини корхоналар ва иқтисодиёт тармоқлари молиясининг, молиявий сектор, нобанк молиявий воситачилари молиясининг, молиявий институтлар молиясининг муҳим таркибий қисми сифатида талқин этиш мумкин. Ўз моҳиятига кўра, улар давлат томонидан тартибга солиб туриладиган пул муносабатлари бўлиб, мазкур муносабатлар инвестиция

фондларининг ҳудуд ва умумдавлат миқёсидаги аҳоли омонатларини жалб қилиш ва инвестицион имкониятларни яхшилашга оид эҳтиёжлари, фондлари ва молиявий ресурсларининг ташкил этилиши, тақсимланиши ва ишлатилиши жараёнида вужудга келади.

Умуман, молиявий фаолият тушунчасининг асосини ташкил этувчи молиявий муносабатлар таркибининг ёритилиши, инвестиция фондлари молияси ғоясини ривожлантиради ва мазкур масала юзасидан тўлиқ тасаввур яратишга имкон беради. Бошқа сўз билан айтганда, бу ерда муҳим масала инвестиция фондлари молиявий муносабатлари таркибини аниқлашдадир.

Инвестиция фондлари нафақат жаҳон амалиётида синалган иқтисодий тизимнинг, шу жумладан, молия тизимининг ҳам янги инвестиция институти сифатида фаолият юритмоқда (1-расмга қаранг).



**1-расм. Иқтисодий тизим ва инвестицион жараёнларнинг асосий субъектлари**

Жамиятда иқтисодий муносабатлар ҳар қандай давлатнинг тараққий этиши, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши, натижада аҳоли фаровонлигини ошириш учун хизмат қилиши керак. Бунда иқтисодий муносабатларни ҳаракатга келтирадиган молия бозори, жумладан қимматли қоғозлар бозори катта аҳамиятга эга.

Молия-кредит соҳаси бозор иқтисодиётидаги трансакцияларга хизмат кўрсатиш, молиявий ресурсларни жамлаш, тақсимлаш, бошқариш ва қайта тақсимлаш ҳамда уларни назорат қилиш функцияларини бажарувчи мураккаб тизимдир. Ҳозирда молия бозори юқори даражада ташкиллашган ва узлуксиз ривожланаётган, борган сари жаҳон миқёсида глобаллашиб бораётган алоҳида бир бутун ва ўз муҳитига эга муносабатлар ва институтлар мажмуаси сифатида намоён бўлувчи мураккаб тизим эканлиги аниқ бўлмоқда.

Бунда молия бозорлари нафақат миллий иқтисодиёт ривожини, балки глобал иқтисодиёт ривожини ҳам белгиламоқда.

Миллий иқтисодиёт ривожидан инвестиция фондлари молиясининг тутган ўрни ва аҳамиятини ўрганиш нафақат иқтисодиёт таркибида молиявий секторнинг улушини оширади, балки капитал (фонд) бозорини ривожлантириш орқали ундан «хуфёна иқтисодиёт» салмоғини иқтисодий усулларни ишлатган ҳолда қисқартиришга қаратилган бозор иқтисодиёти дастакларидан бири сифатида ҳам фаол ёки унумли фойдаланиш мумкин. Бунинг учун, Ўзбекистонда капитал бозорининг аҳамиятини ошириб, фонд бозори инструментлари ёрдамида пул маблағлари ҳаракатини фаоллаштириш зарур. Натижада, инвестиция фондлари ёрдамида инвесторлар ёки ҳар қандай фаолият туридан олинадиган даромадлар шаффофлиги юзага келади, мулк эгаларининг бойликлари легаллашади ва бу орқали солиққа тортиш базасини аниқлашдаги ҳам мунозарали вазиятлар камаяди.

Мамлакатимизда инвестиция фондлари тараққиётининг илк босқичи кузатилаётган ҳозирги даврда мазкур муаммо янада муҳим аҳамият касб этади. Шу нарса аниқ тушунарлики, инвестиция фондлари молияси асосини ташкил этувчи иқтисодий муносабатларнинг мазмуни ҳақида тушунчага эга бўлмай туриб инвестиция фондларининг ривожланиш истиқболлари ҳақида фикр юритиб бўлмайди. Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, охириги вақтда матбуотда, ҳатто махсус иқтисодий адабиётларда ҳам инвестиция фондлари тараққиётининг масалаларини умумий тарзда талқин қилиш учрамоқда.

Бизнинг фикримизча, инвестиция фондлари молиявий муносабатлари таркибига қуйидаги пул муносабатлари киради:

1. Инвестиция фондининг фаолиятида иштирок этувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар:

- инвесторларнинг пул маблағлари ва бошқа мулкларини оммавий жалб қилиш жараёнидаги;

- инвесторлар мулкни ягона мулк комплекси (фонд) кўринишида бирлаштириш ва тасарруфини инвестиция фондининг ўзига (бирлашган трастга) ёки шартнома асосида махсус бошқарувчи компанияга профессионал ишончли бошқарувга бериш жараёнидаги;

- инвестицион даромад (дивиденд, фоиз ва ҳ.к) кўринишида ёки инвестиция объектларини қайта сотишдан фойда олиш мақсадида фонд маблағларини диверсификация тамойилига амал қилган ҳолда қимматли қоғозлар ва қонунда рухсат этилган бошқа инвестиция объектларига жойлаштириш жараёнидаги.

2. Инвестиция фонди ва ишончли бошқарувчи (бошқарувчи компания) ўртасидаги муносабатлар.

3. Инвестиция фонди ва марказий депозитарий ўртасидаги муносабатлар.

4. Инвестиция фонди ва кузатув кенгаши ўртасидаги муносабатлар.

5. Инвестиция фонди ва аудиторлик компанияси ўртасидаги муносабатлар.

6. Инвестиция фондига хизмат кўрсатган бошқа юридик ва жисмоний шахлар ўртасидаги муносабатлар.

7. Қонунда рухсат этилган тарзда инвестиция фонди ва бошқа фонд бозори иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар.

8. Инвестиция фондлари ва тижорат банклари ўртасидаги муносабатлар.

9. Инвестиция фондлари ва давлат ўртасидаги муносабатлар:

- давлат ва тегишли идоралар томонидан молиявий масалаларни тартибга солиш жараёнидаги;

- давлат бюджетига солиқлар, суғурта ташкилотларига бадалларни тўлашдаги;

- инновацион фаолиятни рағбатлантиришдаги, фаолиятнинг турли давлат дастурлари ва лойиҳаларида иштирок этишдаги ва ҳаказолар.

Шуни алоҳида таъқудлаш лозимки, инвестиция фондлари тараққиёти билан улар молиявий муносабатларининг таркиби ҳам янада ўзгариб боради. Шунинг учун инвестиция фондлари тараққиёти жараёнида унинг молиявий муносабатлари таркибий қисмидаги ўзгаришларни табиий бир ҳол сифатида қараш лозим.

Инвестиция фондлари тараққиёти ва унинг молиявий муносабатларини такомиллаштириш ўзаро боғлиқ муоммолардандир. Иқтисодий модернизацияси шароитида инвестиция фондлари тараққиёти билан унинг молиявий муносабатлари ҳам замон талаблари асосида ривожланиш учун муҳим туртки олди. Шу билан бирга, молия муносабатлари инвестиция фондлари тараққиётини рағбатлантиришнинг муҳим дастакларига эгадир. Бу нарса шу билан боғлиқки, коллектив инвестициялаш институтлари ва молия бозорининг институционал инвесторлари тизими ичида инвестиция фонлари учун “мукамал инвестицион муҳитга асосланган тизим”нинг яратилиши натижасида улар учун давлат кўмаги ва бевосита иштироки асосидаги қўшимча резервларнинг ташкил этилиши орқали инвестиция фондлари имкониятларининг янада мустаҳкамланишига эришиш ҳамда турли солиқ имтиёзларининг қўлланилиши мақсадида инвестиция фондлари келгуси тараққиёти учун қулай иқтисодий шароитлар яратилади. Шундай қилиб, инвестиция фондлари тараққиёти улар амалдаги молия муносабатлари тизимининг қай даражада ривожланганлигига бевосита боғлиқ жараёндир. Бу ердаги асосий масала инвестиция фондлари тараққиёти даражаси ва унинг иқтисодийдаги барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари талабларига мос ҳолда инвестиция фондлари молиясини самарали бошқариш асосларини тўғри ташкил эта олиш ҳамда унинг таъсирчанлигини таъминлашдадир.

Маълумки, иқтисодий ривожланишнинг замонавий тарзда шиддатли тус олиши инвестиция фондлари молияси олдида янги вазифаларнинг қўйилишини талаб қилиши табиийдир, бунинг натижасида у ёки бу вазифанинг аҳамияти ўзгариши мумкин.

### **Хулоса ва таклифлар**

1. Иқтисодий модернизацияси ва либераллашуви шароитида инвестиция фондлари фаолиятида молиявий менежмент асосларини тўғри ташкил эта олиш аҳамияти кун сайин ўсиб боради. Бу нарса шунда ифодаланадики, инвестиция фондлари ўз молиявий асосларига кўпроқ таянадилар. Бошқа манбалар улуши ва

аҳамиятининг сезиларсизлиги инвестиция фондларини кўпроқ ўз маблағлари ва қарзга олинган маблағларга асосланишини белгилайди ва бу маблағлардан самарали фойдалана олиш инвестиция фондини бевосита қизиқтиради.

2. Инвестиция фондларининг иқтисодий модернизацияси ва либераллашуви шароитидаги фаолиятида молиявий менежмент асослари шундай ташкил этилиши лозимки, бунинг натижасида улар мавжуд маблағлари билан соф активлар қийматини ошириш бўйича юқори натижаларга эришишни таъминловчи кучли дастакка эга бўладилар. Буларнинг ҳаммаси иқтисодий модернизацияси ва либераллашуви шароитида инвестиция фондлар фаолияти шароитига мос келувчи молиявий менежмент асосларини кенг жорий этиш ва такомиллаштириш зарурлигини тасдиқлайди. Шунини таъкидлаш лозимки, инвестиция фондларида молиявий менежмент асосларини такомиллаштириш инвестиция фондлари ривожланиш хусусиятларини тизимли тарзда ўрганишни ва ҳисобга олишни ҳамда ушбу муаммони комплекс ҳал этишни талаб қилади.

3. Инвестиция фондларида молиявий менежмент асосларини такомиллаштиришга комплекс ҳолда ёндошувнинг зарурлиги инвестиция фондлари ривожланишининг хусусиятларидан ҳамда инвестиция фондлари тараққиётини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича Давлат Дастури мазмунидан келиб чиқади. Албатта, ушбу ҳолатда инвестиция фондлари тараққиётининг жаҳон амалиётига оид бой ижобий тажрибалар асосида унинг ташкилий моделлари ва ривожланиш тенденцияларини тўлиқ ҳисобга олиш ҳам талаб этилади.

4. Ўзбекистонда инвестиция фондлари молиясини тизимли тарзда ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали унинг жозибдорлигини таъминлаш нафақат иқтисодий таркибида молиявий секторнинг улушини оширишга замин яратади, балки истиқболда капитал (фонд) бозорини ривожлантириш орқали миллий иқтисодий таркибида «хуфёна иқтисодий» салмоғини иқтисодий усулларни ишлатган ҳолда қисқартиришга қаратилган бозор иқтисодиёти дастагидан фаол ва унумли фойдаланиш имконини беради.

### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» фармони 1-илоvasи.

2. Мухамедов Ф.Т. Жаҳон минтақаларда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш тенденциялари//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. 2022 йил №1.

3. [www.ici.org](http://www.ici.org), Investment Company Fact Book.

4. Ronald W. Melicher, Edgar A. Norton . Introduction to Finance. Markets, Investments, and Financial Management.

5. Fabozzi, Frank J. The basics of finance : an introduction to financial markets, business finance, and portfolio management / Frank J. Fabozzi, Pamela Peterson Drake. p. см. – (Frank J. Fabozzi series ; 192) Includes index.

6. Финансы. Учебник / С.А.Белозеров, Г.М.Бродский, С.Г.Горбушина [и др.]; отв. ред. В.В.Ковалев. — 3-е изд., перераб. и доп. — Москва : Проспект, 2021. — 936 с.

7. Бочаров В.В. и др. Фи. Л.Я.Ярухина Финансы для нефинансистов. Учебник 2-е издание. — СПб.: Питер, 2021. — 336 с.



8. Malikov T.S. Moliya: nazariy asoslar. O‘quv qo‘llanma/ Toshkent Moliya instituti. –Toshkent: 2020. –342bet.
9. T.Malikov, O. Olimjonov. Moliya. Darslik.T.:Iqtisodiyot-Moliya.2019.-969 b.
10. Шохазамий Ш.Ш. Молия бозори ва қимматли қоғозлар. Дарслик. – Т., ТМИ. 2012.
11. Абровов С.З. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида сўқуқларни жорий этиш истиқболлари. Монография. –Т.: Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисо-диётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази. 2020. 108 бет.
12. Худайкулов Х.Х. Акциядорлик жамиятларининг капитал қийматини баҳолашнинг методологик асосларини такомиллаштириш. 08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит» бўйича иқтисодиёт фанлари доктори (dsc) диссертацияси автореферати.2021
13. Khasan Numanjanovich Djamalov. Abror Bozarboevich Abdullaev ON THE ISSUE OF ACCOUNTING, ANALYSIS AND ORGANIZATION OF FINANCIAL, ECONOMIC AND DIGITAL ACTIVITIES AS A FACTOR OF AN EFFECTIVE SYSTEM OF FINANCIAL MANAGEMENT// Asian Journal of Research in Business Economics and Management ISSN: 2249-7307 Vol. 12, Issue 2, February 2022 SJIF 2022 = 8.529; p.26-33
14. Elmirzayev S.E. va boshqalar. “Moliya bozori”. Darslik.-Т.: “Iqtisod-moliya”, 2019. -324 b.